

Фаргона вилояти мамлакатнинг энг йирик sanoat markazlaridan biriga aйланди. 2024 йилда вилоятда ялпи ҳудудий маҳсулот 91,3 триллион сўмликни ташкил этди. 2025 йилда эса уни 108,3 триллион сўмга етказиш кутиляпти.

Бундай ўсишга янги қувватларни ишга солиш эвазига эришиш мумкин. Бунда "Қўқон" эркин иқтисодий зонасининг ўрни катта.



— 2025 йилнинг 2 ойида 614,2 МИЛЛИАРД СЎМЛИК МАҲСУЛОТ ИШЛАБ ЧИҚАРИЛИБ, 23,0 МИЛЛИОН АҚШ ДОЛЛАРИЛИК МАҲСУЛОТ ЭКСПОРТ ҚИЛИНДИ, — ДЕЙДИ "ҚЎҚОН" ЭРКИН ИҚТИСОДИЙ ЗОНАСИ ДИРЕКЦИЯСИ БЎЛИМ БОШЛИГИ БЕҲЗОД МУРОДОВ.

Ўзбекистон — Хитой "Vikor" қўшма корхонаси ўтган йили иш бошлади. У автомобиллар учун газ ва пропан қуйиш сизимларини ишлаб чиқаради. Ўзбекистон бозорида бу маҳсулотга йилдан-йилга эҳтиёж ошиб борапти. Чунки метан ва пропан автомобилларни ҳаракатга келтирувчи энг арзон ёқилғидир. Унинг сизими эса бир қатор техник кўрсаткичларга эга бўлиши керак. Яъни юқори босимга дош бериши, zichлиги юқори бўлган металлдан тайёрланиши, муруват қисмининг мустаҳкамлигига алоҳида талаблар қўйилган. Қўшма корхона уларнинг барчасини бажариб, тегишли мувофиқлик сертификатини олди ва 2024 йилнинг ўзида 75 минг донга сизимлар ишлаб чиқарди.

ФАРҒОНАДА САНОАТ ҚУВВАТЛАРИ ОШИМОҚДА



— ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ ҚАРОРИГА АСОСАН, УШБУ ХУДУД ИНФРАТУЗИЛМАСИ УЧУН 2025 ЙИЛГА 70 МИЛЛИАРД СЎМ МАБЛАҒ АЖРАТИЛГАН, — ДЕЙДИ БЕҲЗОД МУРОДОВ. — ШУ КУНГАЧА 4,5 КИЛОМЕТР ГАЗ ВА 8 КИЛОМЕТР ОҚОВА СУВ ТАРМОҚЛАРИ ТОРТИЛДИ. АВТОМОБИЛЬ ЙЎЛИ ВА ЭЛЕКТР ТАРМОҚЛАРИНИ ТОРТИШ АМАЛГА ОШИРИЛЯПТИ.



— 18-20 ХИЛ МАҲСУЛОТ ИШЛАБ ЧИҚАРАМИЗ. КОРХОНАМИЗ ЙИЛГА 180 МИНГТА МЕТАН БАЛЛОН ИШЛАБ ЧИҚАРИШ ҚУВВАТИГА ЭГА. СИҒИМ ҚАЛИНЛИГИ 0,7-1 САНТИМЕТРГАЧА, — ДЕЙДИ "VIKOR" ҚЎШМА КОРХОНАСИ ДИРЕКТОРИ ШЕРАЛИ ИСМОИЛОВ. — ҲОЗИР 100 НАФАРДАН ИШЧИ-МУТАХАССИС УЗЛУКСИЗ, КЕЧА-Ю КУНДУЗ ИШЛАШМОҚДА.

Ўзбекистон автомобиль ишлаб чиқарувчи дунёнинг санокли давлатларидан бири. Шунингдек, катта газ захирасига эга. Демак, "Vikor" маҳсулотига эҳтиёж ошиб бораверади. "Қўқон" эркин иқтисодий зонаси атрофида кўркам шаҳар пайдо бўлмоқда. Барча қулайликларга эга ўнлаб ўй-жойлар sanoat корхоналари билан баробар қад ростлаяпти. 2025 йилда бу ерда 227,7 миллион АҚШ долларилек sanoat лойиҳалари фойдаланишга топширилиши, 2430 та янги иш ўрни яратиш кўзда тутилган. Демак, ҳали бу каби инфратузилма яратиш давом этади. Қолаверса, Қувасой шаҳри ҳудудида яна 117,4 миллион долларлик sanoat корхоналари учун 6 та лойиҳа жойлаштирилди. Уларга ҳам инфратузилма керак.

"Vikor" қўшма корхонаси "Қўқон" эркин иқтисодий зонасида фаолият кўрсатаётган 141 та sanoat ишлаб чиқариш объектларидан биттаси, холос. Унга ўхшаш юзлаб замонавий корхоналар тўғрисида Фаргона вилояти мамлакат sanoat индустриясида пешқадамлар сифидан жой олди.

МУҲАММАДЖОН ОБИДОВ.
ЭЛЁР ОЛИМОВ
олган суратлар.



НЕГА ТУМАН ҲОКИМИ ТАҚДИРЛАНДИ?



Бешариқ тумани ҳокими Расулжон Жўраев вилоят ҳокими ва Ўзбекистон Журналистлар уюшмасининг Фахрий ёрлиқлари билан тақдирланди. Бойси, туман ҳоқимлиги ўз муассислигидаги "Бешариқ тонги" газетаси таҳририяти билан мустаҳкам ҳамкорликни йўлга қўганида.



Газета чиқариш ва обуначиларга вақтида етказиб бериш кейинги пайтда анчайин мураккабликларга дучор бўлди. Ўқувчилар сони, нашрлар адади кескин камайди. Айрим шаҳар-туман ҳоқимликлари муассислигидаги нашрлар, тармоқ газеталарига обуна қоникарли ташкил этилмаганлиги учун чоп этилмай қолди ёки даврийлигини йўқотди. Бунинг сабаби ижтимоий тармоқлар орқали ахборот етказиш воситалари кўпайгани, хусусан, мобил алоқадан кенг фойдаланиш газеталарга бўлган эҳтиёжни камайтириб юборганидан илланмоқда. Лекин...



Муассис билан ҳамкорлик яхши йўлга қўйилган ҳудудларда, хусусан, Бешариқ туманида газета таҳририятининг иқтисодий аҳволи, моддий-техник базаси, даврийлиги ва адади макташга, тажрибаси оммалаштиришга арзийди.

Утган йили 4,5 минг нускадаги газета обунаси учун қарийб 1 миллиард сўм маблағ таҳририят ҳисоб рақамига туширилди. Агар тарқатувчи ташкилотлар орқали обуна қилинганда, умумий сумманинг 25 фоизи, яъни 250 миллион сўм уларга тўлаган бўларди. Эътиборлиси, таҳририят битта ишчи ўрни ташкил этиб, ўзига тегишли "Дамас" автомашинасида газетани чоп этилган кунгек ўз обуначисига етказмоқда. Бунинг натижасида бир ходим ва машина учун йил давомида 52 миллион сўм, босмаҳона, иш ҳақи, мажбурий солиқларга 247,0 миллион сўм харажат қилди. Ортирилган соф фойда — 700 миллион сўм маблағ эвазига таҳририят учун 4 хонали замонавий янги бино қурилди. Зарур мебель жиҳозлари ва газетага технологик асбоб-ускуналар харид қилинди.

Таҳририят жамоаси жорий йил учун ҳам обунани шу усулда 4200 нускада ташкил этди. Ҳисоб-китоблар бўйича барча харажатларни чегириб ташлаганда, бир неча юз миллион сўм соф фойда қолиши кутилмоқда. Шуни айтиш керакки, бу маблағнинг маълум

қисми амалдаги қонунларимизга кўра муассис — Бешариқ тумани ҳоқимлигиники ҳисобланади. "Бешариқ тонги" газетасига уюшқоқлик билан обуна ташкил қилиниши, замонавий бионинг бунёд этилиши ва жиҳозлар билан таъминланиши, таҳририятнинг иқтисодий барқарорлиги туман ҳоқимлигининг масалага янгича ёндашуви, таҳририят ва муассис ўртасидаги мустаҳкам ҳамкорлик натижасидир. Бунда туман ҳоқими Расулжон Жўраевнинг саъй-ҳаракати, ташаббускорлигини алоҳида таъкидлаш лозим.

— Муассис билан яқин ҳамкорлик таҳририят фаолиятида муҳим омил бўлмоқда, — дейди газета бош муҳаррири, "Меҳнат шухрати" ордени соҳибни Собиржон Темиров. — Айримлар ўйлаганидек, бу газетанинг танқидий чиқишларини чеклаб қўяётгани йўқ, аксинча, бундай мақолалар ҳоқимлик соатларида муҳоама қилиниб, камчиликларга барҳам бериш чора-тадбирлари белгиланаяпти.

"Бешариқ тонги" туман ижтимоий-иқтисодий, маънавий-маърифий ҳаётида ўз ўрни ва сўзига эга бўлиб, йўналиши бўйича масъулиятли вазифани муваффақиятли адо этиб келмоқда.

Ўзбекистон Журналистлар уюшмаси Фаргона вилоят бўлими бугун республика ва водий вилоятларидаги оммавий ахборот воситалари вакиллари иштирокида туманда газетачилик борасида тўпланган ва ўзганс арзийдиган бой тажрибани оммалаштириш максасида медиатур ташкил этди.

АБДУЖАЛИЛ БОБОЖОНОВ.

Yoshlar SAHIFASI

ORZULARI JUSSASIDAN KATTA QIZ

2-бетда

9 май — Хотира ва кадрлаш куни олдидан

3-бетда

СОХТА ХОННИНГ САХТИ-СОВУҚ ИШЛАРИ

Мозийга назар

4-бетда

Yoshlar
SAHIFASIORZULARI
JUSSASIDAN
KATTA
QIZ

Munisaxon Qambaraliyevanov hayotiy qarashlari teran, rejalarini aniq. U o'quvchilik chog'laridayoq ingliz, rus tillarini puxta o'rgandi. Ona tili va adabiyoti, tarix fanlaridan ham a'lo baholarga o'qir, tashabbuskorligi, faolligi bilan tengdoshlaridan ajralib turardi.

Ayni paytda Qo'qon pedagogika institutining xorijiy tillar fakulteti talabasi bo'lgan Munisaxonning telejurnalistikaga bo'lgan qiziqishi baland. 2021-yildan e'tiboran, Qo'qon shahar hokimligi Axborot xizmatining "Haftanoma", "Novosti nedeli" dasturlari, "Yosh reportyor" loyihasida, shuningdek, "Qo'qon 24 ga 7 onlayn" teletarmog'ida boshlovchi va tarjimon sifatida faoliyat yuritmoqda. 2023-yilda Qo'qon shahrida o'tkazilgan Xalqaro hunarmandchilik festivalida ingliz tilida "Festival insights" lavhalar seriyasini tayyorladi. Tadbirga tashrif buyurgan xorijlik mehmonlar bilan ularning davlatida hunarmandchilikka bo'lgan e'tibor mavzusida suhbatlar tashkilladi. Munisaxon joylardagi muammolar haqida tanqidiy va tahliliy ruhda videomateriallarni ham ijtimoiy tarmoqlarga joylaydi.

Yosh iqtidor egasi o'qish va ish jarayonida o'zi kabi iste'dodli yoshlarga o'rnak bo'lish haqida ko'p o'ylaydi. Oliyohda mutaxassislik fanlarini chuqur o'rganish bilan birga, "Hamma ishga ulgurishim lozim" degan shior bilan yangi g'oyalar, takliflar ustida ishlardi, ustozlari, tajribali mutaxassislar maslahatlariga amal qiladi. Ijtimoiy tarmoqlarda "Znachkinazakaz" brendining reklama menejeri sifatida ham tadbirlar, muhim sanalar bilan bog'liq ko'krak nishonlarini tayyorlash uchun buyurtmalar qabul qiladi.

– Kelgusida Amerika Qo'shma Shtatlariga borib, o'qishimni davom ettirish, shuningdek, jurnalistika va tadbirkorlik sohasidagi bilimlarimni boyitishday orzularim bor. Davlatimiz rahbarining tashabbusi bilan mamlakatimizda yoshlarning iqtidori va salohiyatlarini ro'yobga chiqarish uchun barcha shart-sharoit yaratilmoqda. Buni teran anglagan holda, biz bu imtiyoz va imkoniyatlardan oqilona foydalanishimiz lozim, – deydi Munisaxon.

M. USMONALIYEVA.



Murabbiy basketbolning murakkab jihatlaridan cho'chimaslik, asosiysi, katta maqsad bilan maydonga chiqish zarurligini aytar edi. Jamoamiz bilan tuman va viloyat miqyosidagi musobaqalarda qatnasha boshladik. Yurtimizda sportning qo'llab-quvvatlanayotgani, yoshlar o'zi xohlagan sport mashg'ulotlari bilan shug'ullanishi uchun keng sharoitlarning yaratib berilgani, eng asosiysi esa oddiy qishloq o'qituvchisining o'zi fanini sevgani, vazifasiga mas'uliyat bilan yondashgani, o'quvchilar qalbida sportga, sog'lomlashtirishga muhabbat uyg'ota olgani natijasi edi bu.

To'garagimizning bir necha qatnashchilari saralash orqali basketbol bo'yicha viloyat ayollar jamoasiga qabul qilindik. Biz jamoa bilan oliy liga o'yinlarida 6 karra O'zbekiston chempionligiga erishdik. 2023-yildagi g'ala-

Qo'shtepa tumanidagi 15-umumta'lim maktabining 4-sinfida o'qiyotganida jismoniy tarbiya fani o'qituvchisi Abduvohidxon Yusupov maktabda basketbol to'garagi ochilganini aytdi. Sportga qiziqardim, shu bois to'garakka qatnay boshladim.

PREZIDENT OLIMPIADASIDA
QATNASHAMAN

bamiz uchun guruhning 12 nafar a'zosisiga oliy ta'lim muassasasiga kirish uchun imtiyoz berildi. Men ana shunday baxtiyor yoshlarning biriman.

Hozirda oliyohda o'qish bilan birga, mashg'ulotlarni ham davom ettirayapman. Murabbiylarimiz Rustam Dadajonov, Muhammad To'lginov, Abduvohidxon Yusupov, Farrux Siddiqov kabi tajribali mutaxassislar ko'magida mahoratimni oshirib boryapman. Oliyoh talabalar jamoasida ham ko'plab yutuqlarni qo'lga kiritdik.

Men fransiyalik basketbolchi Marine Johanes va amerikalik basketbol ustasi Breanna Makkenzi Styuartlarning xalqaro maydonlardagi o'yinlarini doim kuzatib boraman, usullarini o'rganaman. Sportchi ayollarning g'ayrat-shijoati, intilishi, o'z o'rinda raqibni ham hurmat qila olish fazilati menga yoqadi.

Yurtboshimiz joriy yilning 14-fevral kuni yoshlar bilan muloqot qildi. Videoselektor shaklida o'tgan uchrashuvda yoshlar uchun imkoniyatlarni yanada kengaytirish chora-tadbirlari muhokama etilar ekan, davlatimiz rahbari kelgusida O'zbekiston Prezidenti olimpiadasi musobaqalari tashkil etilishi haqida aytib o'tdilar.

Farg'ona politexnika institutining Iшлаb chiqarishda boshqaruv fakulteti talabasi Malikaxon Qahhorova a'lo o'qishi, mehnati va ishtiyoqi tufayli ko'plab muvaffaqiyatlarga erishib kelayotgan yoshlar vakilidir.

Talabalikning mashaqqatli, shu bilan birga, sermazzun damlaridan munosib foydalanishni istagan Malikaxon menejment sohasiga oid qator loyihalari, ma'naviy-ma'rifiy tadbirlarda, turli ko'rik-tanlovlardagi yutuqlari bilan ustozlar nazariga tushgan.

Intiluvchan talaba ilmiy rahbarlari boshchiligidagi "Milliy iqtisodiyotni barqaror rivojlantirishda korxona menejment tizimini takomillashtirish" mavzusida izlanish olib bormoqda. Mahalliy va xalqaro konferensiyalarda faol ishtirok etyapti, bosma nashrlarda 40 dan ortiq tezis va ilmiy maqolalari chop etildi.

– Ilmiy tadqiqotim to'qimachilik sanoatida raqamli texnologiyalarni joriy etish orqali ishlab chiqarish jarayonlarini optimallashtirishga xizmat qiladi. Avtomatlashtirilgan boshqaruv tizimlari yordamida sifat nazorati samaradorligi oshadi, inson omilidan kelib chiqadigan xatoliklar kamayadi va mahsulot tannarxi pasayadi.

Bundan tashqari, ilmiy ishlanmalar menejment tizimlarini raqamlashtirish orqali korxonalarning raqobatbardoshligini oshirish va xalqaro bozorga chiqish imkoniyatlarini kengaytirishga ko'mak beradi, – deydi yosh tadqiqotchi.

Malikaxon "To'qimachilik sanoatida jarayonlarni boshqarishni raqamlashtirish", "Tekstil mahsulotlari sifatini nazorat qilishni raqamlashtirish" elektron dasturiy ishlanmalarini yaratib, O'zbekiston Respublikasi intellektual mulk agentligining mualliflik guvohnomasini qo'lga kiritgan.

Ayni kunda u oliyohda "Muhandis qizlar" va "Qizlarjon" klublari bosh koordinatori sifatida ham faolligini namoyon etib kelmog'ida. Bundan tashqari, "Kompyuter savodxonligi", "Bir million dasturchi" loyihalari bo'yicha sertifikatlariga ega, bir necha xorijiy tillarni o'zlashtirib olgan, Farg'ona shahridagi o'quv markazida yoshlarga ingliz tilidan saboq bermoqda.

Feruza SHOKIROVA.

Tengdoshlarning ijodidan

BU KUNINGGA
SHUKRONALAR QIL!

Yetar shuncha xor bo'lganlarning, Ming tirilib, ming o'lganlarning, Guldek umri yosh so'lganlarning, O'yasam gar og'riydi bu dil Bu kunningga shukronalar qil!

Hurriyat deb qon kechganing rost, Manguberdi nomi senga mos, Bular bari chin o'zbekka xos, Ozodlik deb yonding necha yil Bu kunningga shukronalar qil!

Qo'pon ketdi ko'zi to'la yosh, Qodiriyga botdi tuhmot tosh, Bunga yurak berolmas bardosh, Eh, o'shanda soqov bo'lgan til Bu kunningga shukronalar qil!

Lek, tasanno sheryurak, elim, Choh qazganga yo'llading bilim, Endi porloq kelajak yo'lim, Dunyo senga qolmoqda qoyil Bu kunningga shukronalar qil!

Tarixing ko'p tillarda doston, Tinchlik qushing uchar har tomon, Yurtim mening hur O'zbekiston, Xalqi inoq, mehribon, sofidil Bu kunningga shukronalar qil!

Qalam ojiz matonatingga, Yurt deb yongan shijoatingga, Ko'z tegmasin salobatingga, Bunday yurtda baxtga to'lar dil Bu kunningga shukronalar qil!

Dilshoda RAHIMOVA,
Farg'ona shahri.

DO'STIMGA

Qalbingni qayg'ular qilmasin makon, Senga bo'lgan tuyg'um do'stlikdan nishon. O'zing borlig'imsan, so'zinga ishon. Baxtliman, qachonki baxtingni ko'rsam.

Yuragingga tashvish solmasin hijron, Orzularing hech ham bo'lmasin armon. Ko'zlarim dunyoda eng baxtli inson, Agarki, do'stingin baxtingni ko'rsam.

Tangridan sen uchun so'rganman panoh, Barcha istagingga yetkazsin Oloho. Dildagi so'zimdanda bo'lgan sen ogoh, Baxtliman, qachonki baxtingni ko'rsam.

Ozodabonu RUSTAMOVA,
Farg'ona shahri.

SOG'INASIZ...

Sog'inasisiz, qachondir meni, Suratimdan uzolmayisiz ko'z. Qisqaradi osmonning eni, Qiyayverar aytilmagan so'z.

Sog'inasisiz, qachondir meni, Kitobimni o'qiyisiz ming bor. Undan topmoq osondir meni, Chunki unda siz bor va men bor.

Sog'inasisiz, qachondir meni, Tilingizga chiqmaydi lekin. Yuragingiz – sog'inching inini, Lablaringiz shivirlar sekin.

Sog'inasisiz, qachondir meni, Yodingizga tushar u damlar. Shudir ishqning, tozasi, chini, Tushunmaydi sizni odamlar.

Sog'inasisiz, qachondir meni, Uzolmayisiz suratimdan ko'z. Qisqaradi osmonning eni, Qiyayverar aytilmagan so'z.

Nizomiddin MADRAHIMOV,
Quva tumani.

“Senga rahmat, do'xtir bolam”

Andijon davlat tibbiyot instituti davolash fakultetini tugallagan Elmurod Yo'ldor Tashkent vrachlar malakasini oshirish institutining klinik ordinaturasida ixtisoslik bo'yicha saboq oldi. So'ngra Farg'ona shahridagi 2-sonli oilaviy poliklinikada umumiy amaliyot shifokori bo'lib faoliyat boshlagan bo'lsa, hozirda viloyat ko'p tarmoqli tibbiyot markazining nevrologiya bo'limi boshlig'i sifatida bemorlar dardiga shifo ulashmoqda.

Elmurod yosh bo'lishiga qaramay sohada qator muvaffaqiyatlarga erishdi. Rossiya, Belarus, Ukraina, Turkiya, Misr, Bolgariya, Ozarbayjon davlatlarida malaka oshirib qaytdi. O'tgan yili "Koronavirus infeksiyasi bilan og'rikan bemorlarda takroriy insultning klinik-nevrologik va

biokimyoviy xususiyatlari" mavzusida tibbiyot fanlari bo'yicha falsafa doktori (PhD) dissertatsiyasini himoya qildi.

– Sohada ustozlarim ko'p, har bir tajribali shifokordan nimadir o'rgansam deb harakat qilaman. Tibbiyot sohasi professorlari Elbek Mirjo'rayev, Yoqubxon Nabiyeva, Abdulhamid Sagatov va ayni kunda ustozim Odiljon

Umarovdan minnatdorman. Ular tibbiyot nazariyasidagina emas, amaliyot davri, bemorni shirin suhbat yordamida og'ir ruhiy tushkunlikdan olib chiqqungacha bo'lgan mashaqqatli jarayonlarni ham o'rgatib kelmog'ida.

Bo'limda davolanib, sog'lom hayotga qaytgan bemorlar yosh shifokorni "Senga rahmat, do'xtir bolam", deya duo qilishadi. Bunday samimiy so'zlar Elmurodga dalda bo'ladi, kelajagiga umid uyg'otadi. U bo'sh qoldi deguncha, ko'p kitoblar o'qiydi. Badiiy asarlardagi qahramonlar ruhiy holati, voqea-hodisalarga bo'lgan kurashuvchanligini kuzatsa, sohaga oid adabiyotlar bilimlarini boyitadi.

Keyingi yillarda yosh mutaxassis dunyoda nevrologiya sohasida erishilgan texnologik hamda ilmiy yutuqlarni, yangiliklarni kuzatib boryapti. Miyaning ishemik kasalligi, nevrologik xastaliklarni tashxislash va davolashda innovatsion texnologiyalar, neyrorabilitatsiya, zamonaviy diagnostika sharoitida nevrologik buzilishlarga chalingan bemorlarga tibbiy yordam ko'rsatish samaradorligini oshirish yo'llari haqida manbalar bilan tanishish orqali bilim va amaliy ko'nikmasini mustahkamlamoqda.

M. BOYBOBOYEVA.



Gaz-trubina qurilmasi sexi boshlig'ining ta'mirlash ishlari bo'yicha o'rinbosari Rustem Bayramaliyevni hamkasblari o'z kasbining ustasi deya e'tirof etishadi.



O'z kasbining ustasi

Rustem korxonada faoliyat boshlaganida yosh mutaxassis edi. O'shandayoq ta'mirlash ishlari mashaqqatini his qildi, bor imkoniyatini ishga solib, o'z vazifasiga mas'uliyat bilan yondashdi. Qiyinchiliklar ortda qoldi, bugun u o'z kasbi bilan faxrlanadi.

– Katta mehnat jamoasi vakiliga aylanishim hayotimda tub burilish yasagan, – deydi u. – Turli sexlar va bo'limlarda ishladim. O'qishda olayotgan bilimlarimni ishlab chiqarish jarayonida mustahkamlashga astoydil harakat qildim. Ustozlarim, hamkasblarim meni qo'llashdi. Bu yerda yoshlar soni ko'pchilikni tashkil etadi. Inson o'z ishiga mehr qo'ysa,

siddiqdildan yondashsa, izlansa, tajribasi ortadi, malakali mutaxassisga aylanib boraveradi.

Rustem korxona jamoasining tavsiyasi bilan Farg'ona politexnika institutining sirtqi bo'limida tahsil olmoqda. O'tgan yillar davomida bir necha bor korxona rahbariyati tomonidan Faxriy yorliq va esdalik sovg'alari bilan taqdirlandi. Uning izlanishlari dadil, kelgusida yurtimizning energetika sohasini rivojlantirish, yangilanish va modernizatsiya jarayonlariga munosib hissa qo'shishni istaydi.

Rahmatillo GAPPAROV,
“Issiqlik elektr stansiyalari” AJ
“Farg'ona issiqlik elektr markazi” filiali Axborot xizmati rahbari.

ЖАҲОН УРУШИНИНГ ТИРИК АФСОНАЛАРИ

1941-1945
йиллардаги
Иккинчи
жаҳон уруши
Ўзбекистоннинг
бошқа ҳудудлари
сингари Фарғона
вилояти аҳолиси
бошига ҳам катта
мусибатлар
келтирди.
Минглаб
ота-оналар
фарзанд доғига
дучор бўлди.
болалар етим
қолди.

9 май — Хотира ва қадрлаш куни олдидан

Вилоятимиздан 150 мингдан ортиқ киши урушга сафарбар этилди. Улардан 54 минг 981 нафари жангларда мардларча ҳалок бўлди, айримлари бедарак йўқолди. 14 минг 912 нафар фарғоналиклар кўрсатган мардлиги ва жасорати учун sobиқ итти-фоқ қахрамони унвони ҳамда жанговар орден-медаллар билан тақдирланди. Фарғоналиклар урушда алоҳида мардлик ва жасорат кўрсатган Мамадали Топволдиев, Тўйчи Назаров, То-

жали Бобоев, Аҳмаджон Шўкуров, Тўхтасин Аҳмедов, Мухиддин Умридинов, Қосим Ёқубов, Абдусалим Деҳқонбоев каби фарзандлари билан ҳақли равишда фахрланадилар. Ииллар ўтган сари уруш қатнашчиларининг сафи сий-раклашиб бормоқда. Бугунги кунда Фарғона вилоятида 7 нафар уруш қатнашчилари ва уларга тенглаштирилган шахслар умргузаронлик қилмоқда. Қуйида мардлик ва жасорат тиссоли – Иккинчи жаҳон урушининг тирик афсоналари билан танишасиз.

УСМОНОВА
Татьяна
Георгиевна



1922 йил 3 февралда Россия Федерациясининг Новосибирск вилоятида туғилган. Фарғона шаҳар, "Маърифат" маҳалла фуқаролар йиғини, Юсалиш кўчаси, 84-уй, 3-хонадон-да яшайди. Иккинчи жаҳон уруши қатнашчиси Усмонова Татьяна Георгиевна 1941 йил сентябрь ойида Сталинград шахрига ҳамширалик қилиш учун чақирилган. Кейинчалик Белоруссия фронтида, Польша, Германияда армия хизматини ўтаган. Бир қатор жанговар орден ва медаллар соҳиби. 1956 йилда оила аъзолари билан Фарғона шахрига кўчиб келган. Вилоят марказидаги сил касалликлари шифохона-сида ҳамшира бўлиб ишлаган. **ТАҲРИРИЯТДАН: Газета сахифаланаётган пайтда Усмонова Татьяна Георгиевнанинг вафот этгани ҳақида хабар олдик. Марҳумунинг охирати обод бўлсин.**

ШАРИПОВА
Фатина
Изетовна



1937 йил 30 декабрда Россия Федерациясининг Крим вилояти, Феодосия шахрида туғилган. Фарғона шаҳар, "Парвоз" маҳалла фуқаролар йиғини, Алишер Навоий кўчаси, 96-уй, 21-хонадонда яшайди. Шарипова Фатина Изетов-на 5 ёшидан Германиянинг Ганновер шахридаги концла-герда бўлган. Урушдан сўнг Бухоро шахрига келиб, 1959 йилда тиббиёт техникумини битирган. 1960 йилда Турк-манистон қишлоқ хўжалиги институтида ўқиган. 1964 йилдан Фарғона шахридаги шифохоналарда ҳамшира бўлиб ишлаган. 1977-1995 йилларда эса Фарғона педагогика институтида ўқитувчилик қилиб, пенсияга чиққан. Иккинчи жаҳон уру-шидаги ғалабанинг 60, 65, 75 йиллиги юбилей медаллари билан тақдирланган.

ШАРОВА
Лариса
Зуфаровна



1929 йил 1 мартда Ленин-град шахрида туғилган. Фарғона шаҳар, "Ойбек" маҳалла фуқаролар йиғини, Пахлавон Маҳмуд кўчаси, 46-уй, 4-хонадонда истиқомат қилади. Иккинчи жаҳон уруши дав-рида 12 ёшда бўлган Шарова Лариса Зуфаровна Ленин-град қамалида қолган. Уруш-дан сўнг Ўзбекистонга кўчиб келган. Меҳнат фаолиятини 1953 йилда Наманган пахта тайёрлаш трестиди бош-лаган. Меҳнатобод тумани режа бўлими бошлиғи лаво-зимиди ишлаган. 1964-1967 йилларда Фарғона ишлаб чиқариш хомашё бўлимида партия қўмитаси котиби вазифасида хизмат қилган. 35 йиллик меҳнат фаолияти давомидида юксак натижа-ларга эришиб, ҳалоллик ва фидойилик намуналарини кўрсатган.

ВАЛЬЦЕВА
Вера
Григорьевна



1926 йил 29 августда Тверь вилоятида туғилган. Фарғона шаҳар, "Машъал" маҳалла фуқаролар йиғини, Аҳмад Фарғоний кўчаси, 3-уй, 25-хонадонда яшайди. Вальцева Вера Григорьевна Ленинград қамали йиллари-да шахардаги ип-йиғирув, тўқимачилик комбинатида ишлаб, фронт учун махсус химоя матолари тўқиган. 1961 йилдан Фарғона вилоят кинофильмлари ижарага бериш идорасида турли лавозимларда меҳнат қилган. 1972 йилдан бош-лаб вилоят касаба уюш-малари кенгашида катта инспектор лавозимида фаолият юритиб, 1981 йил-да пенсияга чиққан. Ленин-град ижроия қўмитасининг 1944 йил 7 январдаги қарори билан "За оборону Ленинграда" медали билан тақдирланган.

РАҲИМОВ
Усмонжон



1925 йил 20 январ-да Ўзбекистон тумани, Каттақайнар қишлоғида туғилган. Қўқон шахар, "Толзор" маҳалла фуқаролар йиғини, Тўққизбулоқ кўчаси, 8-уй, 7-хонадонда яшайди. Раҳимов Усмонжон ота 1943 йилнинг январь ойи-да урушга юборилган. Узок Шарқ, сўнг Москва окру-гида тайёргарликдан ўтиб, Ленинград фронтида жанг қилган. 1948 йилда уйига қайтиб келган. Уруш йиллари ва тинчлик йилларида бир қатор орден-медаллар билан мукофотланган. 2021 йилда "Ўзбекистон Республикаси мустақиллигининг 30 йил-лиги" кўкрак нишони билан тақдирланган. Турмуш ўртоғи Хадичахон ая Раҳимова билан 7 фарзандни воёга етказган. 20 нафардан ортиқ невара, 40 нафардан ортиқ эвара, 1 нафар чевараси бор.

ПАЙҒАМОВ
Мамаюсуб



1923 йил 1 июнь куни Бешариқ тумани, Қашқар қишлоғида туғилган. Туманининг Янги Қашқар маҳалла фуқаролар йиғинида яшайди. Пайғамов Мамаюсуб ота 1942 йилда ҳарбий хиз-матга чақирилган. 1945 йилнинг июнь ойига қадар фронтда жанг қилган Урушдан сўнг ҳалол меҳнати билан мамлакат иқтисодиёти ва ижтимоий ҳаётини ривожлантириш-га муносиб ҳисса қўшиш баробарида, турмуш ўртоғи билан 5 ўғил ва 3 қизни тарбиялаган. У Ўзбекистон Республикаси Президен-тининг 1995 йил 20 апрел-даги фармонида асосан "1941-1945-йиллардаги урушда фашизм устидан қозонилган ғалабанинг 50 йиллиги" юбилей медали билан мукофотланган.

ЗОКИРОВ
Одилжон



1923 йил 17 февралда Наманган вилояти, Норин туманида туғилган. Тошлоқ туманида яшайди. Зокиров Одилжон ота 1942 йилдан Иккинчи жаҳон уруши жангтоҳларида қон кечи-б, Украина шахарлари ва Вар-шавани озод қилишда мард-лик намуналарини кўрсатган. Қақшатқич жангларнинг бирида ярадор бўлиб, госпи-талда даволанган. Сўнгра яна фронтга қайтиб, Чехослова-киядан Германиягача етиб борган. 1945 йил октябрь ойида она қишлоғига қайтиб келган. Тинч курилиш йилла-рида Тошлоқ тумани жамоа хўжалигида звено бошлиғи, бригадир бўлиб ишлаб, 1981 йилда пенсияга чиққан. 10 нафар фарзандни воёга етказган. Унинг қўқсидаги орден-медаллар фронтидаги мардлиги ва жасоратидан дарак бериб турибди.

МЎМИНОВ
Орифжон



1926 йил 1 майда Фарғона тумани, Водил қишлоғида таваллуд топган. Туманининг "Саноат" маҳалла фуқаролар йиғинида яшайди. Мўминов Орифжон ота 1944 йилнинг ноябрь ойида урушга кетиб, 1950 йилда қайтиб келган. Кўрсатган мардлиги ва жасорати учун бир қанча орден-медаллар билан мукофотланган. 1 даражали "Меҳнат фахрий-си", юбилей медаллари, "Ўзбекистон Республикаси мустақиллигининг 30 йил-лиги" кўкрак нишони билан тақдирланган. Фронтидан кейинги меҳнат фаоли-яти давомидида шикоят ва меҳнаткашлик фазилатлари-ни намоён этган. Ўзбекистон Республикаси Президенти-нинг 1994 йил 6 майдаги фармонида мувофиқ "Жасорат" медали билан мукофотланган.

Янги Ўзбекистоннинг юксак сиёсий иродаси

Мустақилликнинг оқсқа даврида юртимизнинг Марказий Осиё минтақаси ва жаҳон миқёсидаги сиёсий ўрни ва нуфузи кескин ошди. Айниқса, жаҳон мамлакатларида Янги Ўзбекистонга нисбатан ишонч руҳи ва ўзаро ҳамкорликка интилиш таъминлари кучайди.

Давлатимиз раҳбари Шавкат Мирзиёевнинг Европанинг иқтисодий етакчи давлатларидан бири бўлган Францияга таширифи ва муваффақиятли натижалари бунга ёрқин далил. Қолаверса, Марказий Осиё минтақаси давлатлари билан янада илқ муносабатларга киришганимиз, йиллар давомидида ечимини ку-таётган муаммоларнинг ҳал этилгани, бунинг натижасида барча соҳалардаги алоқаларимиз янги босқичга чиққани бениҳоя қувонарли. Айтиш керакки, Ўзбекистоннинг шаффоф, оқилона сиёсати нафақат қўшниларимиз, балки жаҳон мамлакат-ларининг диққатини ўзига тортоқда. Шу йилнинг 3-5 апрель кунлари давлатимиз раҳбари раислигида Ев-

ропа Иттифоқи ва минтақа етакчи-лари иштирокида "Марказий Осиё – Европа Иттифоқи" биринчи самми-ти ўтказилгани, мамлакатимиз бун-дай катта ва муҳим халқаро тадбирга меъзонлик қилгани ҳам барчамизни ғурурлантирди. Жараёни оммавий ахборот воситалари орқали хурсанд-чилик билан кузатар эканмиз, давла-тимизнинг катта саъй-ҳаракатларига елкадошлик ҳиссини туйдик. Эътироф этилганидек, бугун Мар-казий Осиё, хусусан, Ўзбекистон ва Европа Иттифоқи ўртасидаги ҳамкорлик мутлақо янги суръат касб этди. Иқтисодиётдан тортиб, мадани-ятгача бўлган барча йўналишларда ҳамкорлик фаоллашди, қўшма мулоқот майдонлари кенгайди, за-

моннинг долзарб муаммоларини ҳал этиш бўйича қўшма ёндашувлар иш-лаб чиқилмоқда. Бу саммит халқро ҳамкорлиқни янада ривожлантириш учун янги йўналишларни очиб берди. Саммит асосий тадбирида Марказий Осиё давлатлари раҳбарлари ва Евро-па Иттифоқи етакчилари иқтисодий ҳамкорлиқни мустаҳкамлаш, транс-порт соҳасидаги ўзаро боғлиқлик, барқарор тараққиёт ва экология, гума-нитар ҳамкорлик каби кенг қамровли масалаларни муҳокама қилдилар. Унинг муҳим натижаси сифатида Мар-казий Осиё давлатлари ва Европа Иттифоқи етакчилари томонлар му-носабатларини стратегик шериклик даражасига кўтарувчи қўшма дек-ларация қабул қилдиларки, ушбу

ҳужжат мамлакатар ўртасида савдо, транспорт, энергетика, рақамли алоқа ва сув ресурсларини бошқаришни рив-ожлантиришга қаратилгани билан диққатга молик.

Марказий Осиёнинг юраги бўлган она Ватанимиз Европада дадил қўл қўзди ва ишончли жавоблар олмоқда. Биз эса дунё майдонида ўз сўзи, ўз ривожланиш стратегияси ва ўзига хос ислохотлари билан тараққий этиб бо-раётган Янги Ўзбекистонимизга муно-сиб бўлишга, ундаги ҳар бир ҳодиса ва жараёнларга дахлдорлик ҳисси билан яшашга бурчлимиз.

Собиржон АБДУЛЛАЕВ,
Фарғона давлат университети
"Ижтимоий-гуманитар фанлар" ка-
федраси мудири, педагогика фанла-
ри бўйича фалсафа доктори, доцент.

маларини нашрга тайёрладик. Келгусида ўзаро ҳамкорлиқни мустаҳкамлаш, профессор-ўқитувчи-лар ва талабаларнинг ўқув-амалий тажриба ал-машинувини ташкиллаш доирасидаги вазифалар муҳокама қилинди.

Сафар якунида Истанбул шахрида ўтган халқаро илмий-тадқиқот конференциясида қатнашиб, та-шкilotчилар таъсис этган сертификатга эга бўлдик.

Ҳилола СОТВОЛДИЕВА,
Фарғона давлат университети чет тиллари
факедраси доценти.
Миржало МирЗААХМЕДОВ,
университет кафедра ўқитувчиси,
2-босқич таянч докторанти.

Айни кунларда Олий таълим, фан ва инновациялар вазирилик, Фарғона давлат университети ҳамкорлигида мактабгача ва бошланғич таълим, махсус педагогика йўналишлари учун оғзаки ҳисоблашни ментал ариф-метика ёрдамида ўқитишни ўргатувчи қўлланма лойиҳаси устида иш олиб боришмоқда. Бундан қўзланган мақсад — кўзи ожиз ва заиф кўрувчи ўқувчиларнинг мантиқий фикрлашнинг ривожлантиришдан иборат.

Барчаси болалар шодлиги учун

Ментал арифметика — нафақат ма-тематика фанини ўрганишни осон-лаштиради, балки ўқувчи диққатини жамлаб, ўзига бўлган ишончни, фикрлаш қобилиятини оширади, дарсда ва бошқа машғулотларда фаол иштирок этишига ёр-дам бериб, муваффақият ҳиссини уйғотади, мия икки ярим шарини фаоллаштиради. На-тижада ўқувчилар соғлом воёга етади, си-фатли таълим олади ва ижтимоий ҳаётга тез мослашади.

Мамлакатимизда 3000 дан ортиқ кўзи ожиз ва заиф кўрувчи ўқувчилар бор. Маъ-лумотларга кўра, агар ментал арифметика ўргатилишига жиддий эътибор қаратилса, уларнинг билим олиш даражаси 20, бошқа машғулотларга қизиқишининг ортиси 30 фоизга ўсиши таъминланади.

Бундан ташқари, кўзи ожиз ёки заиф кўрувчи болаларнинг ўқув жараёнидаги ташаббуслорлигини таъминлашда интер-фаол дастурлар, улаиш-интеграция тамо-йиллари муҳим аҳамият касб этади. Савол, топириқ, овозли буйруқлар ва мослашув-чанлик уларни ўзига жалб қилади. Боланинг сезги органларини ривожлантиришда ла-зерли принтернинг ҳам ўрни катта. Шунинг-дек, 3D технологиялар ёрдамида дидактик материалларни арзон ва тез ишлаб чиқариш имконияти мавжуд. 3D моделлар тактил сез-ги орқали кўзи ожизларга анатомияни, гео-графияни, математикани ўрганишга, кунда-лик ҳаётда фойдаланадиган буюмларни яратишга ёрдам беради.

Лойиҳанинг ҳар жиҳатдан манфаатли томонлари жуда кўп. Дидактик матери-алларни ишлаб чиқариш ва сотиш янги иш ўринларини яратеди, бу эса маҳаллий



иқтисодиётни рағбатлантириши мумкин. Ҳамкорликдаги лойиҳамиз амалга оша-диган бўлса, биз янги технология, усул ёки иш-лаб чиқариш жараёнини яратишга кириша-миз, уни патент ёки яратилган янгиликлар учун махсус гувоҳнома орқали ҳимоялаймиз. Лойиҳа ижрочи ташкилот — Фарғона давлат университетида шакллантирилади, ментал арифметика бошланғич таълим, мактабгача таълим, махсус педагогика йўналишларига танлов фан сифатида киритилади. Айтиш жоизки, "Кўзи ожиз ва заиф кўрувчи ўқувчиларга арифметик амаллар-ни ментал арифметика ёрдамида ҳисоблаш" лойиҳаси аввалроқ ишлаб чиқилган ва вилоятдаги 1-сонли "Нурли маскан" мак-таб-интернатининг бошланғич синфлари-да қўлланилиб, самараси муваффақиятли бўлган. Биз тақдим этган лойиҳа келгусида ўзининг ижобий натижасини беришига ишо-наимиз.

Раънохон ШАРОФУТДИНОВА,
Фарғона давлат университети
"Ижтимоий-гуманитар фанлар"
кафедраси доценти (PhD).

Фарғона давлат университети халқаро ҳамкор-лик доирасида қўллаб муваффақиятларга эришиб келмоқда. Шу йилнинг март ойида чет тиллари факультети инглиз тили амалий курси ва инглиз тили кафедраси ўқитувчилари Туркия-нинг Анкара шахридаги Ҳажитепа университетида хизмат сафарига бўлиб қайтди. Ташриф давомидида олий таълим маскани билан яқиндан танишилди. Ҳамкасбларимизга юртимиз-

да олий таълимни ривожлантиришга катта эътибор қаратилаётгани ҳақида сўзлаб бердик. Уларнинг дарс машғулотларига кириб, тажриба алмашдик. Туркиялик талабаларга она диёримиз ва таъ-лим тизими ҳақида гапириб бериш баробарида, Фарғона давлат университетининг тарихи, унинг бугунги ижтимоий ҳаёти акс эттирилган видеоролик тақдимотини ўтказдик. Шунингдек, биргаликда дарслик, ўқув қўллан-

КРЕДИТНИНГ БИР ҚИСМИ ГРАНТ СИФАТИДА ҚАЙТАРИЛДИ



Давлат раҳбарларининг учрашувларидан халққа аниқ, манзилли наф кўзда тутилади. Масалан, Ўзбекистон ва Франция Президентлари сиёсий, иқтисодий, ижтимоий соҳаларда битимлар имзоладилар. Улардан бири Франция тараққиёт агентлигининг Ўзбекистонга чорвачиликни ривожлантириш учун имтиёзли кредит ажратиши ҳақида эди. Фарғона вилоятидаги чорвадорлар ана шу кредитдан паррандачилик, балиқчилик, гўшт ва сүт етиштириш чорвачилиги учун самарали фойдаланишяпти.

“Қувасой Рўзибуво янги боғи” фермер хўжалигининг 150 гектар майдони бор. Уларга бугдой, беда, маккажўхори экилади. Қаров агротехник қоидалар асосида олиб борилади, маҳаллий ўғит етарли. Фермер хўжалиги чорвачиликка ихтисослашган. Бу ерда 136 бош қорамол боқилляпти, улар насли. Ҳар бири бир тоннага етиб тош босади. Сутти ёғли, гўшти сифатли.

Бир ёнда эса паррандачилик цеҳи бор. Ун мингта товуқ боқилляпти. Ҳар куни 9 мингдан зиёд оқсилга бой туҳум олинади. Ҳа, бугун фермер хўжалигининг ишлари беш, дейиш мумкин. Лекин кеча... техникадан муаммоси бор эди. Эски тракторлар тез-тез бузиларди, ёқилгинику етказиб бўлмасди.

Ғолибжон бош бўлган фермер хўжалигида қарийб 40 йил илгари ишлаб чиқарилган “Беларус” русумли,

50 от кучига эга бўлган эски трактор бор эди. Яқинда у 50 от кучига эга, олди гилдираклари ҳам тортадиган, қўшимча вазифаларни бажаришга қодир механизмлари бўлган “Ловол” тракторини имтиёзли кредит асосида олди. “Кредитга трактор олган бўлса олгандир-да”, дейишга шошилманг. Бу кредитнинг ўзига хос шартлари бор. Гап шундаки, агар фермер хўжалигида ишлаб чиқарилганига 15 йилдан ошган эски трактор бўлмаганида, янгисини сотиб олиш учун кредит берилмасди. Бу имтиёзли кредитнинг биринчи шарт бўлган.

— Франция тараққиёт агентлиги линиясидан “Микрокредитбанк” орқали 500 миллион сўм кредит олиб, ўзимиз кишлоқ хўжалигида фойдаланиб келган эски ҳолатдаги 2 та трактор ўрнига, янги, ёқилгини кам сарфлайдиган, экологига кам зарар

етказадиган 2 та трактор олдиқ, — дейди “Қувасой Рўзибуво янги боғи” фермер хўжалиги раҳбари Ғолибжон Рўзибуваев. — У иш сифатини яхшилаш, ҳосилдорликни ошириш, кишлоқ хўжалик маҳсулотларини етиштиришда самара берапти. Жумладан, олинаётган гўшт, сүт ҳажми 1,5 баробарга ошди ва таннархи қисқарди.

Аслида Ғолибжоннинг омади келган. Унга беш йилга 500 миллион сўм имтиёзли, яъни 19 фоизли кредит ажратилди. Франция тараққиёт агентлиги кредитининг яна бир имтиёзи бор. Агар кредит олувчи янги трактор сотиб олгач, чорвачиликда ишлаб чиқарилаётган маҳсулот ҳажмини оширсан, олган кредитнинг 30 фоиздан 40 фоизгача грант сифатида ўзига қайтарилади. Шундай қилиб, “Қувасой Рўзибуво янги боғи” фермер хўжалиги олган 500 миллион сўм кредитнинг 150 миллион сўми гўшт, сүт, туҳум ҳажми оширилгани учун грант сифатида ўзига бегараз қайтариб берилди.

Ҳа, давлат раҳбарлари имзолаган шартномалар туфайли шунақаси ҳам бўлар экан.

Муҳаммаджон ОБИДОВ.
Элёр ОЛИМОВ олган суратлар.

ЎТМИШ ВА БУГУНГИ КУН ЎРТАСИДАГИ КЎПРИК

Фарғона вилояти давлат архивида бугунги кунда 421215 та давлат аҳамиятига эга ҳужжатлар сақланмоқда.

Мустиқил йўлимишни танлаганимизга тарихий нуқтаи назардан кўп вақт ўтмаган бўлса-да, мамлакатимиз ижтимоий-иқтисодий, маданий-маърифий ҳаётида эътиборга молик ишлар қилингани каби, давлат, бошқарув органлари, турли идоралар, қорхона ва ташкилотлар, шунингдек, тарихий шахслар фаолиятига оид ҳужжатлар ва нодир қўлёзмаларнинг сақланишига жиддий эътибор қаратилди. Архив ва ҳужжатчилик соҳаси устувор сифатида белгиланди. Ўтган йиллар мобайнида алоҳида қимматли ҳужжатларни асл ҳолида сақлаш баробарида, уларнинг электрон шаклини яратиш бўйича ислохотлар олиб борилди.

Замонавий қурилмалар асосида архив ҳужжатларининг электрон базаси шаклланганлиги архив иши билан шуғулланувчи мутахассислар, тадқиқотчилардан тортиб, од-

дий фуқароларгача бир мунча қулайликлар яратди ва улардан фойдаланиш имкониятини кенгайтди. Жумладан, авваллари фуқаролар бевосита Фарғона давлат архив иши ҳудудий бошқармасига келиб, ёзма равишда ариза билан мурожаат этардилар. Эндиликда давлат хизматлари маркази орқали исталган ҳудуддан туриб, бизга мурожаат этишлари мумкин.

Ўз навбатида, ҳудудий бошқарма мутахассислари томонидан жойларда сайёр қабул ўтказилаётгани ҳамюртларимизнинг узоғини яқин қилиб, ортिका сарсон бўлишларининг олдини олмақда. Бу йил шундай тadbирлар орқали 50 нафардан зиёд фуқаролар мурожаати ўрганилиб, ижобий ҳал этилди.

Албатта, архив ҳужжатларининг сифатли сақловида бино ҳолати ва унда ярилган шарт-шароитлар жуда муҳим. Олис манзилда жойлашган Сўх тумани давлат архиви биноси

талаб даражасида эмаслиги сабабли ҳужжатлар сақловида жиддий муаммолар бор эди. Фарғона вилояти архив иши ҳудудий бошқармасининг сайёҳаракатлари билан бу ердаги ҳолат яхшиланди, сифатли хизмат кўрсатиш йўлга қўйилди. Кува тумани давлат архивида ҳам хайрли ишлар бажарилди. Қулай архив хоналари ташкил этилди, замонавий жиҳозлар билан таъминланди, сақловхоналардаги мавжуд ҳужжатлар замонавий техникалар ёрдамида электрон шаклга айлантирилмоқда.

Архив жуда кенг тушунча. Юқорида айтганимиздек, у бутун тарихни ўзида қамраб олади. Айтиш жоизки, архивлар том маънода ўтмиш ва бугунгиш, ўз ўрнида келажақни ҳам бир-бири билан боғлайдиган муҳим кўприк вазифасини бажаришда муҳим этати.

Феруза ШОКИРОВА,
Фарғона вилоят давлат архиви ходими.

ТАРҒИБОТ ТАДБИРИ

Коррупцияга қарши курашиш ойлги доирасида Бағдод туманидаги 25-умумтаълим мактабида Ўзбекистон “Адолат” СДП ташаббуси билан Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси ҳузуридаги Иқтисодий жиноятларга қарши курашиш департаменти туман бўлими ҳамкорлигида “Таълим соҳасида коррупцияга қарши иммунитетни шакллантириш — ватанпарварлик тўғрисидаги шакллантириш” мавзусида тарғибот тadbiri ташкил этилди.

Мактабнинг педагогик жамоаси ва ўқувчиларнинг ота-оналари иштирок этган тadbирда халқ депутатлари туман Кенгаши депутати Исроҳ Аҳмедов, департамент ходими Қамолдин Зибейдинов коррупциянинг давлат ва жамият тараққиётига таъсир этувчи салбий оқибатлари ҳақида сўз юритдилар. Шунингдек, “Мулла мўмин Аллам” жоме масжиди имом-хатиби Абдор Абдуқодиоров таъмағирлик инсонни тўғри йўлдан айирувчи, одамлар орасига нифоқ солувчи иллат эканлиги ҳусусида гапириб ўтди. Тарғибот тadbiri баҳс-мунозараларга бой бўлди.

Гўлчехра АҲМЕДОВА,
Ўзбекистон “Адолат” СДП Фарғона вилоят кенгаши матбуот котиби.

Бирни эккан — юзни олади

БАҲОРНИНГ ҲАР КУНИ ЙИЛГА ТАТИЙДИ

Президентимиз ташаббуси билан мамлакатимиз бўйлаб бошланган “Яшил макон” умуммиллий лойиҳаси доирасида ҳар йили 200 миллион тул дарахт ва бутта кўчатлари экиш, юртимиздаги яшил майдонларни 8 фоиздан 30 фоизга ошириш белгиланган. Ҳозирги кунда ушбу лойиҳа чинакам умумхалқ ҳаракатига айланди. Бундан кўзланган мақсад яшил хиёбонлар, боғ-роғларни кўпайтириш борабарида, табиатни асраш, экология мусаффолигини сақлашдир.

Бу хайрли тadbирда бешариқликлар ҳам фаол қатнашмоқда. Лойиҳа доирасида аввалги йиллари экилган дарахт кўчатлари ва буталарнинг аксарияти барқ уриб кўкариб, туман ҳудудини яшилликка буркамолди.

Бешариқ шахрининг “Шабада” маҳалласи ҳудудидagi коллектор қаровсиз аҳволда эди. Туман ҳокимлигининг ташаббуси билан унинг ўрнига ёпиқ дренаж ётқизибли, сизот сувлари чиқиб кетадиган бўлди. Шу жойда аҳоли ҳордиқ чиқарадиган яшил табиат маскани барпо этишга киришилди. Майдон бўйлаб пиёдалар йўлиги қурилди, кўча чироқлари ўрнатилди. Энди бу ерда шаҳар ҳуснига хўш қўшадиган, кенг ва шинам яшил хиёбон бўлади.

— Хиёбон бўйлаб 200 тул клён, 200 тул чинор ва бошқа манзарали дарахт кўчатлари экилди. Ободонлаштириш ва кўкаламзорлаштириш ишлари олиб борилюмоқда, — дейди туман ободонлаштириш бўлими мутахассиси Зарифжон Алимов. — Туман нав синаш участкаси, ўсимликлар қарантини бошқармаси ҳамда бўлимишимиз ходимлари иштирокида “Яшил макон” лойиҳаси доирасида ўтказилган ҳашарда 500 тул терак, 100 тул меваги, 100 тул манзарали дарахт

ва 50 тул гул кўчатлари ўтказилди.

“Қияли” маҳалла фуқаролар йиғини ҳудудидagi Шодақозик маси-вида ўтказилган “Яшил йиллик” тadbирда тумандаги 62 та маҳалла фуқаролар йиғинларининг ҳар бири ўзларига ажратилган ер участкаларига 10 минг дондан терак қаламчалари ўтказишди. Қўм ва чўл ерлар яқин келажақда яшилликка бурканган ҳудудга айланади.

Айни кунларда давом этаётган туморқага экин экиш зарбдор ойлги туман хонадонларида авж паллага кирган. Туморқа эгаларининг қўли қўлига тегмайди. “Баҳорнинг бир куни йилга татийди”, деган нақл бежиз айтилмаган. Заминига чўп сўқсанг, кўкарадиган юртининг туморқаҳи деҳқонлари бу ганимат кунлардан самарали фойдаланиб, даромадди экинлар уруғини экиш билан банд.

“Камбағалликдан — фаровонлик сари” дастурини амалга ошириш бора-сида тумандаги 6 та огир саналган маҳаллаларга ичимлик суви, электр тармоғи тортиш, кўчаларни асфальтлаш ишлари режалаштирилган. Имонияти чекланган 10 нафар тумандошлар мотокультиватор ва экинларга ўғит сепиш ускуналари билан таъминланди. Энди улар туморқаларида қийинчиликсиз деҳқончилик қилишлари мумкин.

“Янги Рапкон” маҳалла фуқаролар йиғинидаги Шафтолизор кўчасида яшовчи оилалар туморқачилик бора-сида бой тажриба тўплаган. Иссиқхоналарда сабзавот қўчати, қалампир, бўғор қалампир етиштириш яхши йўлга қўйилган, даромад ҳам шунга яраша.

— Ҳар бир қарич ердан унумли фойдаланиб, иссиқхонада турли экинларни парваришлаймиз, хатто ашаш уйимизнинг том қисмида ҳам қўчат етиштирамиз, — дейди Дилмурод Абдусамодов. — Шу меҳнат ортидан даромад кўрамыз, ҳаётимиз фаровон. Фарзандларимиз ҳам меҳнат қилишга ёшлгидан ўрганиб, камолга етляпти. 15 гектар туморқа ерида сардоронад экинлар, иссиқхоналарда сабзавот кўчатлари етиштириш Шафтолизор кўчасида истиқомат қилувчи 135 та оиланинг тўқун ҳаётини таъминлаб келмоқда.

Абдуҷалил БОБОҶОНОВ.

Мозийга назар



СОХТА ХОННИНГ САХТИ-СОВУҚ ИШЛАРИ

Қўқон хонлиги тарихи борасида қимматли маълумотлар жой олган “Ансоб ас-салотин ва таворихи ал-хавоқин” қўлёзма китобида келтирилишича, 1873 йилларда бир гуруҳ қирғизлар бош кўтариб, бу даврда тахтда бўлган Худойхоннинг солиқ йиғувчиларини ўлдиришда ва унга қарши ҳаракатлар қилишди.

Катта қўшин ёрдамида ғалаёнчилар тор-мор келтирилади. Аммо қирғизлар бу билан тинчмайди. Улар хонлар авлодидан бўлган бирорта одамни тахтга ўтказиб, шу йўл билан Худойхон истибдодидан қутулмоқчи бўладилар. Шу сабабдан қирғиз-қипчоқ авлодидан бўлган Мусулмонқул Бухорога юборилади. Унга шариф шаҳарда истикомат қилаётган Қўқоннинг собиқ хони Муродхоннинг ўғли Пўлатхонни хон бўлишга кўндиришни маслаҳат қиладилар.

Мусулмонқул Бухорога бориб, Пўлатхонга ғалаёнчилар истагини етказди, аммо у ҳаётини хавф остига соладиган бу ишга рози бўлмайди. Ҳафсаласи пир бўлган “элчи” Қўқонга қайтаётиб, Тошкентга — Абдулмўмин бой деган танишникига тушади. У билан сўхбат чоғида Бухорога сафари муваффақиятсиз кечганини айтди, ундан нима

қилиш кераклиги бўйича маслаҳат сўрайди.

Уша йиллари асли Наманганнинг Намданак қишлоғидан бўлган Мулла Исҳоқ деган қирғиз-қипчоқ йигити Тошкентда нусвойфурушлик қиларди. Абдулмўмин Мусулмонқулга уни Қўқонга олиб бориб, қўзғолончи халққа Пўлатхон деб таништиришни, ҳақиқий Пўлатхонни тоғдагилар барибир танимасликларини айтди.

Мусулмонқулга маъқул келган маслаҳат билан тирикчилигини нос сотиб ўтказазётган Мулла Исҳоққа мақсадларини айтишади. У эса хон бўлишга дарров розилик беради. Орадан бир неча кун ўтиб, Мулла Исҳоқ тоғдагиларга Пўлатхон деб таништирилади. Сўнгра уни Чустда оқ кийгизга ўтказиб, хон қилиб кўтаришади.

Шу йўл билан хон номини олган сохта “Пўлатхон” Қўқон ҳукмдорлиги ўрнини эгаллаш учун Худойхонга қарши жон-жаҳди

билан кураш олиб боради. Гоҳ қўли баланд келади, гоҳ енгиллади. Жанглардан бирида отдан йиқилиб, оёғи синади. Шунда ҳам аробада юриб, тахт учун курашади. Аммо у Қўқонни эгаллай олмайди. Шу сабабли Марғилонни ўз хонлигининг пойтахти деб эълон қилади.

Марғилонлик тарихчи Муҳаммад Азиз Марғилоний ўзининг “Тарихи Азизий” китобида ёзишича, “Фўлодхоннинг шуқуҳи салтанати жуда юқори даражада бўлиб, мартабасини мисли Худойхондек қилиб тартиб берган эди. Шуқуҳи салтанатини ким кўрса юрагига ваҳм ориз бўларди”.

“Кўрмаганинг кўргани кўрсин”, деганларидек, бунчалик дабдаба-ю, даъволар билан ҳокимиятга интилган бу шахс ўз манфаати йўлида ҳар қандай ваҳшийликлардан қайтмайди. У Марғилоннинг собиқ ҳокими, Худойхоннинг укаси Султон Муродбекни “Келинг ака, ўзингизга лойиқ вазифа тайин этаман”, деб алдаб, ўз ёнига қаққиртириб олади. Кейин эса ярим кечаси, Кува қабристонидида ўлдиртириб юборади.

Ҳокимиятпараст Мулла Исҳоқ, яъни сохта “Пўлатхон” гўдаққушлиқдан ҳам қайтмайди: Худойхон ва унинг ўғилларининг барчасини — хоҳ катта, хоҳ кичик бўлсин, хатто бешикдаги гўдакларни Марғилон ўрдасида қатл эттиради. “Фўлодхон қиқиб кетгандан сўнг ўзимиз кириб, бегуноҳларни сўйган жойини кўрдик, — деб ёзади Муҳаммад Азиз Марғилоний. — Каттароқ боладан кўпроқ, кичкина боладан камроқ қон тушибди...”

ОЗИҚ-ОВҚАТ ТЕХНОЛОГИЯСИ ВА МУҲАНДИСЛИГИ
XALQARO INSTITUTI QUYIDAGI BO'SH LAVOZIMLARNI
EGALLASH UCHUN TANLOV E'LON QILADI:

“Aniq va tabiiy fanlar” kafedrasiga:

- | | | |
|--|---|---------|
| 1. Kafedra professori lavozimiga | — | 1 o'rin |
| 2. Kafedra dotsenti lavozimiga | — | 1 o'rin |
| 3. Kafedra katta o'qituvchisi lavozimiga | — | 1 o'rin |
| 4. Kafedra assistenti lavozimiga | — | 1 o'rin |

Tanlovga hujjatlar qabul qilish muddati e'lon chiqqan kundan boshlab bir oy.
Murojaat qilish uchun manzilimiz: Farg'ona shahar, Ahmad Farg'oniy ko'chasi, 204-uy.
Telefon: (97) 555-09-39. Kengash kotibi.

Мухтор Худойқулов.
(“Ўзбекистон тарихи” сайтидан).

Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги томонидан Усмонов Аскаржон номига берилган С 0156524-рақамли ҳарбий гувоҳнома йўқолганлиги сабабли
БЕКОР ҚИЛИНАДИ.

Фарғона вилояти Фермер, деҳқон хўжаликлари ва туморқа ер эгалари кенгашининг Фарғона вилоят адлия бошқармаси томонидан 2017 йил 27 декабрда берилган 232-п сонли гувоҳнома йўқолганлиги сабабли
БЕКОР ҚИЛИНАДИ.

Фарғона шаҳар, “Дўстлик” МФЙ, Алишер Навоий шох кўчаси, 51-“Б” уйда жойлашган “Fergana uyuk” МЧЖ номига берилган думалоқ муҳр ва тўртбурчак штамп йўқолганлиги сабабли
БЕКОР ҚИЛИНАДИ.

Марғилон шаҳар, “Терак тағи” МФЙ, Терак тағи кўчаси, 77-уйда жойлашган ЯТТ “Nurmuxammadjon Muxtorov Xatamjon o'g'li” номига берилган думалоқ муҳр ва тўртбурчак штамп йўқолганлиги сабабли
БЕКОР ҚИЛИНАДИ.

МУАССИС: "Farg'ona haqiqati" va "Ferganskaya pravda" gazetaları tahririya'ti	2021 йил 18 августда Ўзбекистон Республикаси Президентини Администрацияси ҳузуридаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлиги Фарғона вилояти ҳудудий бошқармасида 12-001 рақами билан рўйхатдан ўтган. Индекс: 7521.	Газета "Zakat nashriyot uy" МЧЖ босмахонасида тахририятнинг оригинал макети асосида офсет усулида А-2 формат (4 саҳифа)да чоп этилди. Босмахона манзили: Наманган вилояти, Косоний шаҳар, Чорбоғ кўчаси, 17. Буюртма: 11385.	Бизнинг манзил: 150114, Фарғона шаҳар, Сохибқирон Темур кўчаси, 28-уй. Бош муҳаррир қабулхонаси: (факс) 73 226-02-70. Реклама ва эълонлар: 73 226-71-24.
Бош муҳаррир: Рустам ОРИПОВ	Газета жума куни чиқади. Алади: 2354 нусха.	Баҳоси келишилган нархда.	Навбатчи муҳаррир: Маҳиёра Бойбобоева.
			Саҳифаловчи: Алишер Розиков. Босишга тошириш вақти: 16.00. Тоширилди: 16.00.

